

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ САЙЛОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ержанова Светлана Машарипбаевна

Қорақалпоқ давлат университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тушунчаси, ҳуқуқий мақоми ва маҳалла раислари бўлиб ўтадиган сайловлар ўтказишнинг ҳуқуқий асослари, тартиби қонунчилик нормалари асосида таҳлил қилинган. Таҳлиллар асосида ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича фикр ва таклифлар билдирилган.

***Калит сўзлар.** фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла раислари, сайлов.*

ABSTRACT

In this article, on the basis of legislative norms, the concept, legal status of citizens' self-government bodies, the legal basis and procedure for holding elections of heads of districts are analyzed. Based on the analysis, opinions and proposals were made to improve the legal framework.

***Keywords.** self-governing bodies of citizens, chairmen of districts, elections.*

КИРИШ

Мустақиллик йилларида маҳалла тарихий ва ривожланган мамлакатлардаги тушунчада аниқ белгиланган ижтимоий-демографик, маданий-маънавий ва ҳудудий-маъмурий бирлик сифатида мақомга эришиб, у ўз ҳудудидаги фуқаролар ўртасида анъана ва урф-одатлар бирлиги, инсоний, ҳўжалик, ҳуқуқий муносабатлар бирлигини ташкил этгани ҳолда ўзаро ижтимоий муносабатларни боғлаб туриш воситасига айланди.

Ҳозирги даврда маҳалла йўналишида олиб борилаётган ишлар иккита йўналишни назарда тутди. Биринчиси маънавий вазифа бўлиб, у халқимизнинг минг йиллик тарихидаги ноёб, энг азиз анъаналарни, қадриятларни қайтадан тиклаш ва ривожлантиришдан иборат. Иккинчиси сиёсий вазифа бўлиб, маҳалла институтини бугунги замон талабларига мувофиқ тарзда тиклаш баробарида вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари зиммасига юкланган кўпчилик вазифа ва ҳуқуқларни фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларига, яъни маҳаллаларга бериб, улар мақомини жой-жойига қўйиб, шу тарика жамиятимиз ҳаётини демократиялашда янги ва жуда муҳим имкониятларга эришиш.

Ҳозирги даврга келиб, жамиятимиз сиёсий соҳасини эркинлаштириш мақсадларидан келиб чиқиб, маҳалла фуқаролар йиғинларига бошқарувнинг турли йўналишларига етакчилик қилиш ваколатлари берилди. Маҳалла ўз ҳудудда яшаётган фуқаролар турли ижтимоий муаммоларини ҳал қилиб беришда бевосита иштирок этадилар: қариялар фахрийлар, етимлар, байналминал-ҳарбийлар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар манфаатлари ҳимоя қилинади, маҳалла фаолларини мазкур фаолиятда иштирок этишига бошчилик қилади. Шу билан биргаликда инсонни маънавий юксалиши ва амалий ташаббусларини намоён бўлиши учун шарт-шароит яратилади, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланади.

Мамлакат сиёсий ҳаётида фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштирокини таъминлаб берувчи асосий бўғин – бу маҳалла фуқаролар йиғинларидир. Шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаолигини ошириш қобилиятига эга бўлган бирдан-бир бошқарув тизими ҳам маҳалла фуқаролар йиғинларидир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маҳалла жамият бошқарувининг халқ кадриятларига асосланган тизими сифатида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда қатор вазифаларни самарали амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тизимга доир кўплаб қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилиниши унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштирди.

Ўзбекистон Республикаси Қонституциясининг 105-моддасида ўзини ўзи бошқариш органларига қуйидаги ҳуқуқий таъриф берилган: «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни(оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади».

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 15 октябрдаги “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги ва “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонуни асосида қатор ўзгартиришлар киритилди. Яъни олдинги қонун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) билан бир вақтда унинг маслаҳатчисини ҳам сайлашни назарда тутар эди. Раиснинг ваколат муддати 2,5 йил бўлиб, бу муддат уларга ўз билим ва бошқарув қобилиятини тўлиқ намоён этишга имконият бермаётган эди. Шунингдек, раислар фуқаролар вакиллари

йиғилиши томонидан сайланарди. Бунда сайловчилар номидан атиги 50-80 нафар вакил овоз берарди. Яна бир жиҳати шунда эдики, сайлов очик овоз бериш йўли билан ўтказилгани боис, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш имконияти чекланганди.

Қонундаги ўзгаришлар натижасида маслаҳатчиларнинг раис (оқсоқол) билан бир вақтда сайланиши тартиби ўзгартирилди. Унинг ваколат муддати 2,5 йилдан 3 йилга узайтирилди. Вакилликнинг минимал нормаси белгиланди, яъни у сайловчиларнинг 12 фоизидан кам бўлмаслиги тартиби ўрнатилди. Олий Мажлис Сенати Кенгаши томонидан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи алоҳида республика комиссияси тузилади. Бундан кейинги сайловларда яширин овоз берилади.

Фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ўтказиладиган сана, вақт ва жой, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар тўғрисида ахборот Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларининг расмий веб-сайтларига сайлов ўтказилишидан камида беш кун олдин жойлаштирилиши белгилаб берилганлиги билан аҳамиятли.

Қайд этиш керакки, фуқаролар йиғини — бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлиб, уларнинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларини ҳал қилишда мустақил фаолият юритиб, ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчиликга кўра, улар давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди, аҳоли манфаатларини ифодалайди ва тегишли ҳудудда улар номидан қарорлар қабул қилиши билан аҳамиятли.

Киритилган ўзгартиришларга кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) фуқаролар йиғини томонидан, фуқаролар йиғинини чақириш имкони бўлмаган тақдирда эса, фуқаролар вакилларининг йиғилиши томонидан уч йилга сайланади. Ушбу сайловни ўтказишда Олий Мажлис Сенати Кенгаши томонидан сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашиш бўйича Республика комиссиясини тузилади, сайловни ўтказишда «фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун» Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисидаги қонун¹ га асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари тузилади.

Бевосита фуқаролар йиғинларида йиғилиш ёки вакиллар йиғилиши қарори билан ишчи гуруҳлар тузилади. Улар «тегишли ҳудудда доимий яшовчи

¹ ЎРҚ-499-сон 15.10.2018. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида (lex.uz)

фуқароларнинг фикрини инобатга олган ҳолда» раислик лавозимига номзодлар бўйича таклифларни тайёрлайди. Туман ёки шаҳар ҳокими фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва ўзининг ушбу номзодлар бўйича асослантирилган хулосаларини кейинчалик ишчи гуруҳларга топшириш учун тегишли комиссияларга юборади. Ишчи гуруҳ туман ёки шаҳар ҳокимининг хулосасини олганидан кейин фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига келишилган номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камида беш кун олдин фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга осиб қўяди.

Мамлакатимизда бугунги куни 9349 та фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлса, фуқаролар йиғини раисига бўлган охириги, яъни 2022 йилда бўлиб ўтган сайловда номзодлар 26,9 минг кишини ташкил этиб, ҳар бир ўринга деярли 3 номзоддан тўғри келганлигини кўриш мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинги, ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган сайловлар натижаси шуни кўрсатдики, бу сайловлар аҳолининг кенг қатламлари учун ижтимоий-сиёсий фаоллик бағишлади ва ўзига хос демократия мактаби вазифасини ҳам ўтади. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига янги сайловлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вазифаларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш борасидаги сиёсатни фуқаролар қўллаб-қувватлаётганлигини, давлат қурилиши ва жамиятнинг барча соҳаларини эркинлаштиришда, фуқаролар яшаш жойларидаги муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишда, аҳоли фаоллигини оширишда маҳаллаларнинг ўрни ва аҳамияти йилдан-йилга ортиб бораётганлигини, «Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал сиёсий дастурни ҳаётга татбиқ этиш ўзининг ижобий ва самарали натижасини бераётганлигини кўрсатмоқда.

REFERENCES

1. Кутыбаева Е., Умарова К. Дауменов Б., Адилова М. Конституциялық ҳуқуқ. Оқуўлық. Латын тилинде. Н.:2020, 423 Б.
2. Исмоилова Г. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини либераллаштиришнинг давлат ҳуқуқий йўналиши. 2-нашр. Т.: Академия., 2014. 145 Б.
3. Туляганов А.Т. Давлат ҳокимиятини вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш. Т.: Университет, 1996. - 175 б.4.
4. ЎРҚ-499-сон 15.10.2018. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида (lex.uz)